



МАҲАЛЛА ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТ МАСКАНИДА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ЖИНОЯТЧЛИККА ҚАРШИ КУРАШДАГИ ЎРНИ, МУАММОЛАРИ ВА ЕЧИМЛАРИ

Ҳикматуллаев Шерзод
Ҳикматулла ўғли

*Жиззах вилояти ИИБ Маънавий-маърифий
ишлар ва кадрлар билан таъминлаш хизмати
бошлиғи ўринбосари - кадрлар билан таъминлаш
бўлими бошлиғи*

Аннотация. Ушбу мақолада Маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани, тузилиши, мақсади, масканнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишдаги вазифалари, масканнинг бошқа давлат органлари билан ҳамкорлиги, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ҳуқуқий асослари, бу жараёнидаги мавжуд муаммо ва камчиликлар ҳамда уларнинг ечимлари юзасидан фикр ва мулоҳазалар илгари сурилган.

Калит сўзлар: Маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани, кунлик хизматни бевосита ташкил этувчи масъул ходимлар, хизматни ҳамкорликда ташкил этишда қатнашувчи давлат органлари, хизматни ташкил этишга кўмаклашувчи ички ишлар органлари, илгари судланган, Пробация, маъмурий назорат каби бошқа сўзлар критилган.

Annotation. In this article, thoughts and opinions are put forward about the neighborhood law enforcement center, its structure, purpose, tasks of the center in the implementation of crime prevention, cooperation of the center with other state bodies, legal basis of crime prevention, existing problems and shortcomings in this process, and their solutions.

Key words: neighborhood law and order center, responsible officials who directly organize daily services, government agencies participating in the organization of services, internal affairs agencies helping to organize services, previously convicted, Probation, administrative control and other words are omitted.

Аннотация. В данной статье изложены мысли и мнения о участковом правоохранительном центре, его структуре, назначении, задачах центра в осуществлении профилактики преступности, сотрудничестве центра с другими государственными органами, правовых основах профилактики преступности, существующие проблемы и недостатки в этом процессе и пути их решения.

Ключевые слова: участковый центр правопорядка, ответственные должностные лица, непосредственно организующие повседневное обслуживание, государственные органы, участвующие в организации службы, органы внутренних дел, помогающие в организации службы, ранее судимые, пробация, административный контроль и другие слова опускаются.

Кириш. Маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани – шаҳар, туман ички ишлар органининг белгиланган маъмурий ҳудудларда жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш, жиноятчиликка қарши кураш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасида ички ишлар органлари соҳавий хизматларининг ҳамда улар билан давлат ва жамоат ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш мақсадида ташкил этилган, узлуксиз фаолият кўрсатувчи асосий қуйи бўғини ҳисобланади. Мадалла ҳуку-тартибот маскани (кейинги уринларда — Маскан) маҳалла ва кишлоқларда жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш фаолиятини бевосита амалга оширадиган, шунингдек, фуқароларнинг хавфсизлиги ва осойишталигини таъминлаш борасида ички ишлар органлари, бошқд ҳуқуқ-тартибот органлари ва жамоат тузилмаларининг маҳаллалар кесимида биргаликда ишлашини ташкил этадиган ички ишлар органларининг энг қуйи бўғинидаги таркибий тузилмаси ҳисобланади. [1,4]

Шунингдек, маҳалла ҳуқуқ тартибот масканлари профилактика инспекторларининг аҳоли билан ишлашда ва халқчили профессионал тизулмага айлантириш тўғрисидаги қарор талаблари ассида “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси модули” яратилиб, унда ўқув жараёнларини соҳавий хизматларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, ўқитишнинг замонавий методларига асосланган илғор педагогика, ахборот-коммуникация ва инновацион педагогик технологиялар асосида интерактив ва ноанъанавий симуляцион машғулотлар шаклида ташкил этилди;

Шу ўринда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида амалга оширилган ислохотларнинг мазмунидан келиб чиқиб, уларни қуйидаги йўналишларга ажратиш мумкин:

Биринчидан, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари фаолиятини такомиллаштириш ва уларнинг ваколатларини оширишликни;

Иккинчидан, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришликни;

Учинчидан, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини моддий-техник базасини такомиллаштиришни.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини самарадорлигини оширишда субъектлар фаолиятини ташкил этиш учун етарли шарт-шароитларни яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Жумладан, ҳуқуқбузарликлар профилактикасинини амалга ошириш учун моддий-техникалар замонавий ахборот-коммуникация воситалари билан таъминланганлиги, барча қулайликларга эга хизмат хоналарининг мавжудлиги ва бошқалар тушунилади.

Тадқиқот методологияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196-сон Фармонида ички ишлар органлари таянч пунктлари негизида маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканларини босқичма-босқич ташкил этиш белгиланди.

Мазкур мақоламда, маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани, таянч пунктлари негизида ташкил этиладиган тузилма бўлиб, у босиқча-босқич республиканинг шаҳар туманларида ташкил этилиб, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектларининг ҳамкорликдаги фаолиятини мувофиқлаштирувчи ва фаолиятини ташкил этувчи тузилмага айлантирилиши режалаштирилган. [2,2]

Юқоридаги фармон билан маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари фаолияти бўйича қуйидаги тартиб ташкил этилиши белгиланган:

✓ маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари ҳудуддаги жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишнинг асосий қуйи бўғини ҳисобланиши;

✓ маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани негизида ҳудуддаги ички ишлар органларининг тегишли соҳавий хизматлари ҳамда Миллий гвардия ва бошқа давлат органларининг мувофиқлаштирилган фаолияти юритишликни;

✓ маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани томонидан жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш ишларини тизимли ташкил этиш ва мувофиқлаштириш вазифаси профилактика инспекторига юклатилганлиги.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги “Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чоратадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–5050-сон Қарори ҳуқуқ-тартибот масканлари фаолиятини ташкил этишда муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, мазкур қарор билан Маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани тўғрисидаги низом қабул қилиниб, уларнинг мақоми ва асосий вазифалари белгилаб берилди. Маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани маҳалла ва қишлоқларда жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш фаолиятини бевосита амалга оширадиган, шунингдек, фуқароларнинг хавфсизлиги ва осойишталигини таъминлаш борасида ички ишлар органлари, бошқа ҳуқуқ-тартибот органлари ва жамоат тузилмаларининг маҳаллалар кесимида биргаликда ишлашнинг ташкил этиладиган ички ишлар органларининг энг қуйи бўғинидаги таркибий тузилмаси ҳисобланиши белгиланган. [3,1]

Таъкидлаш лозимки, ҳуқуқ-тартибот масканлари ва таянч пунктлари зиммасига юклатилган вазифалардан ташқари қуйидаги вазифалар ҳам амалга ошириш юклатилган:

➤ ҳуқуқ-тартибот масканлари фаолияти маҳаллалар кесимида ички ишлар органлари, бошқа давлат органлари ва жамоат тузилмаларининг биргаликдаги ишлашларини ташкил этишга йўналтирилганлиги;

➤ аҳоли муаммоларини ҳал этиш, шунингдек, ҳуқуқбузарликдан жабрланган, ғайриижтимоий ҳуқ-атоврга эга, ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни ижтимоий мослаштириш ишларини ташкил этиш вазифалари юклатилганлиги;

➤ маҳалланинг кириш-чиқиш жойларида ва ҳудуддаги бошқа объектларда ўрнатилган видеокузатув мосламаларидан фойдаланган ҳолда,

ягона марказлашган электрон кузатиш ва мониторингни амалга ошириш орқали ҳуқуқбузарликларни барвақт олдини олиш ва бошқалар.

Бугунги кунда Фармон, қарор талаблари асосида Маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканларининг ташкил этилиши, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлигини ва сифат даражасини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, бу жиҳатларни қуйидагиларда кўриш мумкин;

- **биринчидан**, ҳуқуқ-тартибот масканлари энг замонавий ахборот-коммуникация воситалари билан таъминланиши;

- **иккинчидан**, ягона марказлашган электрон кузатиш ва мониторингни амалга ошириши;

- **учинчидан**, профилактика инспекторларидан ташқари ички ишлар органларининг бошқа соҳавий хизматлари, давлат органлари, миллий гвардия хизматлари ва жамоат тузилмаларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича фаолиятини ташкил этиши.

Аммо, бугунги кунда маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани ва уларнинг фаолиятини ташкил этишда, муайян муаммо ва камчиликлар мавжудки уларни бартараф этмасдан туриб, ушбу йўналишдаги белгиланган вазифаларни ижросини ўз вақтида сифатли таъминлашда етарли натижаларга эришиб бўлмайди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси: 2023 й.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги (14.05.2014 й.) қонуни // Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари туплами. - 2014. - № 20. - 221-м.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги (16.09.2016 й.) қонуни // Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари туплами. - 2016. - № 38. - 438-м.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги (11.09.2017 й.) қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. - 2014. - № 1. - 7-м.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6196-сон Фармони.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги «Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-5050-сон Қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида»даги 343-сон (23.06.2022 й) Қарори.
8. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг «Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси булинмалари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 151-сон (12.07.2017 й.) буйруғи.

9. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг “Маҳалла ҳуқуқтартибот масканлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 166-сон (16.05.2021 й) буйруғи.

10. *Турсунов А.С. Саитқулов Қ. А. ва бошқалар.* Ички ишлар органларининг маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш фаолияти// Маърузалар курси // –Т.: 2018 –147 б.

11. *Турсунов А.С. Саитқулов Қ. А. ва бошқалар.* Ички ишлар органларининг маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш фаолияти// Маърузалар курси // –Т.: 2018 –147 б.

12. *А.С. Турсунов ва бошқалар.* Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунига илмий-амалий шарҳ: Қонунга илмий-амалий шарҳ / Муаллифлар жамоаси. Масъул муҳаррир Б.А. Матлюбов. Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018. Б. 158.